

---

Уй-жой сотиб олиш учун субсидия ажратиш соддалаштирилди

“Аҳолига ипотека кредити ва уй-жой сотиб олиш учун субсидия ажратиш жараёнларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори қабул қилинди

Қарор билан, **2022 йил 1 декабрдан** бошлаб қуйидагилар белгиланди:

субсидияга талабгорларни танлаб олиш комиссиялари таркибидан **Ёшлар ишлари агентлиги** бўлим бошлиғи ва **аҳоли бандлигига кўмаклашиш** маркази директорлари **чиқарилади;**

**субсидия олиш учун аризани** аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари, Ёшлар ишлари агентли бўлимлари ва туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан **кўриб чиқиш тартиби бекор қилинади;**

бунда мазкур ташкилотларнинг маълумотлари [subsidiya.idm.uz](http://subsidiya.idm.uz) **дастурий таъминоти** орқали автоматик тарзда шакллантирилади;

субсидия ажратиш мақсадида уй-жойга муҳтож фуқароларни аниқлашнинг ижтимоий мезонлари доирасида қуйидагилар ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган **айрим шахслар тоифасига киритилади:**

ёш оилалар, шу жумладан, **30 ёшдан ошмаган фуқаролар;**

**олис ва чекка ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига** бошқа ҳудудлардан ишлаш учун келган олий маълумотли мутахассислар ва тиббиёт ходимлари.

2022 йил 1 ноябрга қадар “Labor - migration” дастури ва Кадастр агентлигининг Миллий географик ахборот тизими портали [subsidiya.idm.uz](http://subsidiya.idm.uz) **дастурий таъминоти**га интеграция қилинади.

Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредити ажратишда қарз олувчиларга **қарз юкининг энг юқори чегараси** ҳамда субсидия олиш учун **бир календарь йилда икки марта ариза** бериш бўйича белгиланган чекловлар бекор қилинди.

**2022 йил 1 ноябрга қадар** 2020-2022 йиллар дастури доирасида субсидия ажратиш тўғрисида **хабарнома олган фуқароларга** ипотека кредити фоизларининг бир қисмини қоплаш бўйича тўланмай қолган субсидияларни **тўлиқ тўлаш чоралари кўрилади.**

2021 йил дастури доирасида субсидия ажратиш тўғрисида хабарнома олган **Тошкент шаҳрида** доимий рўйхатда турадиган фуқароларга **Тошкент вилоятида** қурилган уй-жойларни ипотека кредити асосида сотиб олиш ҳуқуқи берилади.